

ШАРТНОМА № 80

02.11.2022 йил .

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган **“Жиззах Минораси” МЧЖ** Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари **М.Исмонлов** иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Боёвут тумани А.Навоний МФЙ Жўшқин кўчасини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 31.10 кунги танловда (ЛОТ рақами № 22110012164015) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (КҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 110 900 000 сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағ аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунинда **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунинда ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар **“Буюртмачи”** гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида 30 кунда ишларни бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.


3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.



“Пудратчи” дафтар (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлик жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинadиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишни талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда икитисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш хажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш хажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Буюртмачи”га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси
Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.
Тел/факс: 236-55-16
ш/х: 304521860242127045129118061
СТИР: 207 252 998

Директор

В.Базаров

“ПУДРАТЧИ”

“Жиззах Минораси” МЧЖ

Тошкент вил Бойкент кучаси 19 уй
АТБ Ўзсаноатқурлишбанк Бекобод филиали
Х/Р: 2020 8000 9002 9019 1004
МФО: 00440
ИНН: 302827527

Рахбар

М.Исмонлов

ҲУҚУҚИЙ ХУДОСА.

Ўзаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, ҳусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкӣ жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МИБХ ДУК
Бош юриконсульти:-

Ф.Х.Усаров

Объект: Сирдарё вилояти Боевут тумани А.Навобий МФЙ Жўшқин кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	2022 йил			
			Октябр	Ноябр	Декабр	
1	30 % хажмидаги бунак	33 270 000,00		33 270 000,00		33 270 000,00
2	70 % хажмда жорий молиялаштириш	77 630 000,00		77 630 000,00		77 630 000,00
3	Жами:	110 900 000,00		110 900 000,00		110 900 000,00

"Буюртмачи"



"Пудратчи"

" " 2022 йилдаги №
Шартномага 1-илова

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ
Пудратчи ташкилот: "Жиззах Минораси" МЧЖ

№	Иш тури	Жами				Жами суммаси
			Октябр	Ноябр	Декабр	
1	Қурилиш монтаж ишлари	96 434 782,61		96 434 782,61		96 434 782,61
2	ҚҚС 15 %	14 465 217,39		14 465 217,39		14 465 217,39
3	Жами	110 900 000,00		110 900 000,00		110 900 000,00

"Буюртмачи"



"Пудратчи"



ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

“ 01 ” 11 2022 йил

Катнашдилар:

Хайъат раиси:

З.Базаров Директор

Аъзолари:

З.Таджикулов Бош мухандис

Ф.Ўсаров Бош юристконсулт

М.Култаев Лойиха таъминот бўлими бошлиғи

Ў.Худойбердиев Тендерларни ташкил этиш бўлими

Ш.Таниев Бош хисобчи

А.Абдумуминов Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассис

КУН ТАРТИБИ

1. Глобал Мега Инвест МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
2. Мироб Курилиш МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
3. ООО БРК Гулистон таклифини ўрганиб чиқиш.
4. Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
5. Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
6. Жиззах минораси МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
7. Sunny Lend Service МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.

тибида қўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Боёвут тумани А.Навоий МФЙ Жўшқин қўчасини жорий таъмирлаш объекти учун Глобал Мега Инвест МЧЖ, Мироб Курилиш МЧЖ, ООО БРК Гулистон, Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ, Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ, Жиззах минораси МЧЖ, Sunny Lend Service МЧЖ лардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум қилади.

Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган ҳужжатлари қуриб чиқилганда қуйидаги таклифлар берилганлиги маълум бўлди.

1. Глобал Мега Инвест МЧЖ таклифи 119 670 197 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
2. Мироб Курилиш МЧЖ таклифи 122 968 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
3. ООО БРК Гулистон таклифи 113 371 765 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
4. Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ таклифи 120 000 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
5. Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ таклифи 120 000 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
6. Жиззах минораси МЧЖ таклифи 110 900 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
7. Sunny Lend Service МЧЖ Дисквалификация қилинди

Хайъат раиси: (З Базаров) ушбу кўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Боёвут тумани А.Навоий МФЙ Жўшқин қўчасини жорий таъмирлаш объекти бўйича Жиззах минораси МЧЖ таклифи арзон бўлганлиги сабабли, шу ташкилот билан 110 900 000 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот 22110012164015 иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқаларлик мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмаяпти. Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 22110012164015 сонли лот рақами бўйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки нарозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 7 та овоз билан Глобал Мега Инвест МЧЖ голиб чиқди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

КАРОР КИЛДИ:

1. Глобал Мега Инвест МЧЖ, Мироб Курилиш МЧЖ, ООО БРК Гулистон, Низомиддин Имкон Сервис МЧЖ, Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ, Жиззах минораси МЧЖ ташкилотлардан тушган таклифлари эътибога олинсин.

2. Танлов голиби этиб Жиззах минораси МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 110 900 000 сўмга шартнома тузилиши мақуллансин.

Аъзолари:

З.Таджикулов


Ф.Ўсаров

М.Култаев

Ў.Худойбердиев

Ш.Таниев

А.Абдумуминов



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 августдаги №138-сонли қарарининг 24-бағида назарда тутилган маблагларни максимал ўзлаштириш учун Сирдарё вилояти Бобўт тумани икки йўллари (шакар марказий икки хўжалик йўллари)ни қуриш ишлари бўйича 2022 йил учун

МАЎЗИЛЛИ ҲУЙХАТИ

минг сўмда

№	Объектнинг ном ва жойлашган мавқеи	2022-2022 йил	Қурилиш бонусининг йили	Локация	Ташкиротиш шартлари				2022 йил ҳақиқат қилинган қурилишнинг ҳажми (куб метр)	2022 йил жами капитал қурилиш ҳажми (куб метр)	Қурилиш-мониторинг ишлари шартлари умумий қиймати (минг сўм)	Ишларнинг ҳажми		Тўлиқ йўлнинг умумий қиймати (минг сўм)	Бошқа харожатлар (минг сўм)	Ишларнинг ҳажми		2022 йил 1 январь ҳолатига қадар объектнинг йиллик қиймати (минг сўм)	Тендер қилдирилган баҳо (минг сўм)	Экспертиза санини ва рақамини	Пилотираж қурилиш ташкилотлари
					Ташкиротиш шартлари		Ишларнинг ҳажми					Ишларнинг ҳажми									
					Ташкиротиш шартлари	Ташкиротиш шартлари	Ташкиротиш шартлари	Ташкиротиш шартлари				Ташкиротиш шартлари	Ташкиротиш шартлари			Ташкиротиш шартлари	Ташкиротиш шартлари				
1	Учтурган МФЙ Нақсон кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,374	44 267,669	44 267,669	44 267,669	44 267,669	44 267,669	41 753,235	0,374	41 753,235	2 514,434	1 198,135	1 316,299	20 09 2022 йил №61910	Танлов асосида				
2	А.Навоий МФЙ Завқ кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,807	98 468,414	98 468,414	98 468,414	98 468,414	98 468,414	93 684,796	0,807	93 684,796	4 783,618	2 688,346	2 095,272	20 09 2022 йил №61912	Танлов асосида				
3	А.Навоий МФЙ Жўшқин кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	1,171	132 162,909	132 162,909	132 162,909	132 162,909	132 162,909	125 968,628	1,171	125 968,628	6 194,281	3 614,752	2 579,529	21 09 2022 йил №61913	Танлов асосида				
4	Тинчлик МФЙ А.Навоий кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,500	56 364,101	56 364,101	56 364,101	56 364,101	56 364,101	53 343,234	0,500	53 343,234	3 020,867	1 530,718	1 490,149	20 09 2022 йил №61922	Танлов асосида				
5	Гулор МФЙ Бахористон кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,466	60 769,417	60 769,417	60 769,417	60 769,417	60 769,417	57 564,115	0,466	57 564,115	3 205,302	1 651,840	1 553,462	20 09 2022 йил №61903	Танлов асосида				
6	Ифтихор МФЙ Ота замини кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,583	69 379,224	69 379,224	69 379,224	69 379,224	69 379,224	65 813,462	0,583	65 813,462	3 565,762	1 888,560	1 677,202	20 09 2022 йил №61905	Танлов асосида				
7	Ифтихор МФЙ Ирмоқ кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,514	61 299,061	61 299,061	61 299,061	61 299,061	61 299,061	58 071,585	0,514	58 071,585	3 227,476	1 666,402	1 561,074	20 09 2022 йил №61906	Танлов асосида				
8	Алорзор МФЙ Мишлат парвар кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	1,243	227 105,066	227 105,066	227 105,066	227 105,066	227 105,066	216 935,910	1,243	216 935,910	10 169,156	6 225,117	3 944,039	20 09 2022 йил №61919	Танлов асосида				
9	Алорзор МФЙ Янги чортоқ кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,400	59 931,367	59 931,367	59 931,367	59 931,367	59 931,367	56 761,152	0,400	56 761,152	3 170,215	1 628,798	1 541,417	20 09 2022 йил №61916	Танлов асосида				
10	Алорзор МФЙ Словуш кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,470	61 581,242	61 581,242	61 581,242	61 581,242	61 581,242	58 341,953	0,470	58 341,953	3 239,289	1 674,160	1 565,129	20 09 2022 йил №61918	Танлов асосида				
11	Янгиобод МФЙ Мужиса кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,120	19 867,965	19 867,965	19 867,965	19 867,965	19 867,965	18 375,055	0,120	18 375,055	1 492,910	527,284	965,626	20 09 2022 йил №61921	Танлов асосида				
12	Бунёдкор МФЙ Зафардаст кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,670	106 693,119	106 693,119	106 693,119	106 693,119	106 693,119	101 565,163	0,670	101 565,163	5 127,956	2 914,479	2 213,477	19 09 2022 йил №61585	Танлов асосида				
13	Дўстлик МФЙ Бозовул ва Янги обод кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	1,140	178 149,842	178 149,842	178 149,842	178 149,842	178 149,842	170 030,259	1,140	170 030,259	8 119,583	4 879,129	3 240,454	19 09 2022 йил №61586	Танлов асосида				
14	Наврў МФЙ Озолик ва Истибоб кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,875	105 392,062	105 392,062	105 392,062	105 392,062	105 392,062	100 318,576	0,875	100 318,576	5 073,486	2 878,707	2 194,779	19 09 2022 йил №61590	Танлов асосида				
15	Олмазор МФЙ Сардоба, Паракет-1, Аллома кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,880	99 807,920	99 807,920	99 807,920	99 807,920	99 807,920	94 968,222	0,880	94 968,222	4 839,698	2 725,175	2 114,523	19 09 2022 йил №61592	Танлов асосида				
16	Ширин МФЙ Туркистон-1-6 кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	2,900	349 809,826	349 809,826	349 809,826	349 809,826	349 809,826	334 503,479	2,900	334 503,479	15 306,347	9 598,795	5 707,552	19 09 2022 йил №61594	Танлов асосида				
17	Навбахор МФЙ Томирли кешигли Томирли кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,500	60 953,890	60 953,890	60 953,890	60 953,890	60 953,890	57 740,866	0,500	57 740,866	3 213,024	1 656,911	1 556,113	21 09 2022 йил №61923	Танлов асосида				
18	Навбахор МФЙ Чашма кешигли Куестар кўчаси	2022-2022 йил	2022-2022 йил	0,550	62 681,952	62 681,952	62 681,952	62 681,952	62 681,952	59 396,580	0,550	59 396,580	3 285,372	1 704,423	1 580,949	21 09 2022 йил №61948	Танлов асосида				

Бобўт тумани

